

Қубо масжидидаги намоз худди умра кабидир



14:45 / 18.04.2021 2371

مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ لَيْلِ صَبَّ لَنَا عَ ، عُنَّ لَلِ لِي صَرَّرِي هُظْرَبِ دِي سَأَنْ عَ
يُئِئَسِّنْ لَأَوْيْ ذِمَّتْ لَأَوْرَ ۚ رَمْعَكَ ۚ أَبْقِ دِي سَمِ يَفُةَ لِّصَلِّ لَأَقِ

Усайд ибн Зухайр розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«**Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

«**Қубо масжидидаги намоз худди умра кабидир**», дедилар».

Термизий ва Насайй ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ушбу ҳадиснинг ровийси Усайд ибн Зухайр розияллоху анху билан танишиб олайлик.

Усайд ибн Зухайр ансорлардан бўлиб, Авс қабиласидан эдилар. Бу саҳоба Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламдан кўплаб ҳадислар ривоят қилдилар. У киши Абдулмалик ибн Марвоннинг халифалик даврларида вафот этдилар.

Бу ҳадиси шарифда Қубо масжидада ўқилган бир намознинг савоби умра қилганнинг савобига тенг келиши таъкидланмоқда.

Бу эса Қубо масжидини Ислондаги тўртинчи мартабадаги масжид дея эътироф этишимизга асос бўлади. Чунки бошқа масжидлар ҳақида бу маънодаги ҳадислар айтилмаган.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди»